



**QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ JASLAR SIYASATÍ HÁM SPORT MINISTRLOGI
BUYRÍGÍ**

2«avgust»2023 jil.

626-A/F-san

Nókis qalası

**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил
1 августдаги 03/998-A/F-сон буйруғи ижроси ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 1 августдаги “Спортнинг велоспорт-шоссе турида кўп кунлик велопойга бўйича ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпионатини ўтказиш тўғрисида”ги 03/998-A/F-сон буйруғи ижросин таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 1 августдаги 03/998-A/F-сон буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Спортнинг велоспорт-шоссе турида кўп кунлик велопойга бўйича ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати (бундан буён матнда мусобақа деб юритилади) 2023 йил 6-10 сентябрь кунлари Фарғона вилоятида ўтказилиши инobatга олинсин.

3. Мусобақада иштирок этадиган жамоа аъзоларини сафар харажатлари сафарга юборувчи ташкилот томонидан қоплансин.

4. Олимпия ва паралимпия спорт турларини ривожлантириш шўъбаси бошлиғи (**А.Темирбаев**), Ўзбекистон велоспорт федерацияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ижрочи директори (**Ф.Арысланбаев**)лар билан биргаликда:

а) ушбу мусобақада Қорақалпоғистон Республикасининг терма жамоаси иштирокини таъминлаш вазифаси юклатилсин;

б) мазкур буйруқнинг 1-иловасига мувофиқ тегишлилиги бўйича ходимларни мусобақада иштирок этишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5 Ахборот хизмати (**А.Пиряров**)га:

мусобақанинг ўтказилиши билан боғлиқ жараёнларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишга тавсия этиш ҳамда вазирликнинг ижтимоий тармоқларга жойлаштириш вазифаси юклатилсин.

6. Ахборот-таҳлил ва ижро интизоми шўъбаси етакчи мутахассиси (**Б.Толыбаев**)га:

мазкур буйруқ билан Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг тегишли бўлимларига ва вазирлик тизимидаги ташкилот ва муассасаларига юбориш вазифаси юклатилсин.

7. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



А.Алланазаров